



Йигирма йиллик муаммо қачон ҳал бўлади?



ЎзХДП Ўзбекистонда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор»ни белгилаш ташаббуси билан чиқмоқда



Мустақиллик ва Мўйноқ



Фирибгарлик ўйинлари давом этмоқда



№75-76
2019-йил, 17-sentabr
Seshanba (32.566)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Марғилонда инфратузилмани ривожлантириш учун 87,6 миллион доллар, уй-жойлар қурилишига 110 миллион доллар маблағ сарфланади. Яқин йилларда ушбу шаҳарда 9 қаватли 12 та, 12 қаватли 54 та, 16 қаватли 16 та турар-жой барпо этилиб, аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигида мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқот Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларига мутлақо янги суръат бағишлаб, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу маънода, Давлат думаси юксак даражали делегациясининг ушбу ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлашга икки томон ҳам интилаётганининг навбатдаги тасдиғидир.

Вячеслав Володин, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини etkazди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фаол парламентлараро мулоқот ва алмашинуларни, жумла-

дан, Ўзбекистон ва Россия парламентлари палаталари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик механизmlаридан самарали фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг турли масалалари бўйича яқин шериклиқни йўлга қўйиш, ҳудудлараро алоқалар ва истиқболли кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, икки ва кўп томонлама келишувлар, жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган битимларни амалга оширишга қўмаклашиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Вячеслав Володин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлаш мақсадида парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Учрашув сўнггида юқори мартабали меҳмон жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли фестивал иштирокчилари! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида қутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти, ҳурматли Роза Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга руҳлат этайсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Райимқуловни, Туркменистон маданият вазири Атагелли Шамуродовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Урумбековдани, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абдулфас Гареевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатуряни чин дилдан қутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва хунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нияншага, Ҳиндистоннинг Харьяна

штати туризм вазири ўринбосари Ви-жай Вардхана, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдираман.

Давраимизда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир хунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан қутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта хурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Хурматли фестивал иштирокчилари!

Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожда алоҳида ўрин тутади.

Инсониятнинг онгли ҳаётида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламыз.

Башариёт фахри бўлган буюк шаҳарлар, меъморий обидалар, тарихий

ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати – бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетақорор ижод намунасини яратишдир.

Узингиз тасаввур қилинг, оддий қора туپроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга “жону тил” бағишлаш учун хунармандга нафақат машаққатли қўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чекис меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам хунар соҳиб – у қўлол бўладими, қандакор ёки тўқувчи бўладими, нарқош ёки заргар бўладими – ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан хабардор бўлиши, уларни амалда қўллаш билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

Бутун дунёга машҳур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сўзаналаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жиқлоси замирида фалакиёт илми, космогоник тасаввулар мужассам экани ҳар қандай одами ҳам ҳайратга сопади.

Давоми 2-бетда. ►

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Осиё футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва ОФК ўртасидаги самарали шериклик мамлакатимизда футболни оммалаштириш ва ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилгани ва изчил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буён конфедерация аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ташкилот билан биргаликда футболни ривожлантириш, жумладан, ҳудудларда замонавий спорт инфратузилмасини яратиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, аёллар футболни тараққий эттириш, йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, техник қўмак бўйича устувор лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қўллаб-тадбир ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Осиё футбол конфедерацияси билан ўзаро маддаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Конфедерация Ўзбекистонда халқаро даражадаги футбол инфратузилмасини яратиш, услубий таъминот, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, юқори малакали мутахассислар, мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда кўмагини давом эттириши муҳим экани таъкидланди.

ОФК президенти давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда оммавий спортни тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган сиёсатни, жумладан, футбол ривожини қўллаб-қувватлаётганини юксак баҳолади.

Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа Осиё футбол конфедерацияси Ўзбекистон билан кенг қўламли шериклиқни ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий экани ҳамда амалий ҳамкорликка қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлигини таъкидлади.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори хунармандчилигини, унинг анъана ва мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли ҳужурий асослар яратилди.

Хунармандчилик янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдаланиш мақсадига жалб этиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар манбаи ҳисобланади. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган маънавий дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йили

хунармандчилик ривожига йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш орқали 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган 5 мингдан зиёд «Уста-шогирд» мактабиди 23 мингдан ортиқ йигит-қизга касб сирларини ўргатилди.

Хунармандчилик халқимиз қўндалик ҳаётдан тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Бу йил Ўзбекистонда илк бор ташкил этилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун Қўқон шаҳри танлангани ҳам бажиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фестивалнинг очилиш маро-

симиди Халқаро хунармандчилик фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни самимий қутлаб, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойлиқни келгуси авлодларга безавол etkazиш, бу йўлдаги сазй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштиришда мазкур халқаро анжуманининг аҳамияти беқийс эканини таъкидлаб, анжуман қатнашчиларига иқодий муваффақиятлар тилади.

Давоми 8-бетда. ►

ЎзХДП депутатининг Маданият ва Молия вазирларига таклифи



2



Рустам ХОЛМУРОВОВ,
Самарқанд давлат университети
ректори, профессор.

Бизга қандай магистратура керак?

Ёки олий таълим тизими
ислохотлар чорраҳасида

3

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2019 йил 16 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш масалаларини муҳокама қилдилар.

ЭНДИ ТҶЙ ВА БОШҚА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 14 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари икки палата аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадида мувофиқ, деб топилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади. Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалоқдаги тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши иштирок этиши мумкин.

Мажлисда таъкидланганидек, дафн этиш ва мотам маросимлари қўли билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно. Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Оилавий тадбирларнинг дабдабасиз, камҳарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши учун биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари шахсан масъул ҳисобланади.

Мажлисда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қўшма қарори тасдиқланди.

Ушбу қарор юзасидан депутатлар ўз муносабатини билдирди...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

Хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир хунармандларни «уста» ва «устазода» деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг «**Хунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта хурмат-эътибор тоғлай ва саодат манзилига етгай**», деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланганидан бу табарруқ зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук хунарманд, аҳли хунарнинг пири бўлганлар. Бу улуғ сиймонинг «**Дилинг – Оллоҳда, кўлинг – меҳнатда бўлсин**» деган эзгу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг хунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалоп меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бугунги глобализация ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида бепасанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади – хунармандчилик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайд.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойлиқни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқроқ анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистонда хунармандлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ўз сафларида минглаб усталарни бирлаштирган «Хунарманд» уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирумар Асадов, фарғоналик ёғоч ўймаkori Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олиғ мўқофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакилларининг шарафли меҳнатига юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестивал ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунармандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзгилгимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга хунармандчилик соҳасини ривожлантиришга янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқроқ фестивал давомидида ўртага ташланадиган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқроқ хунармандчилик фестивали учун айнан Кўкон шаҳри танлангани албатта, бежиз эмас. Буюк илақ йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий шаҳар ҳақи равишда «олтин водий» деб ном олган гўзал Фарғона водийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим

табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Хўқанди латиф миллий давлатчилик, илму хунар, санъат ва адабиёт раънақининг ёрқин тимсолидир.

Кўқона Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиёний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машираб, Амирий ва Ноҳирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муҳимий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуғ шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.


Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий хунармандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг қамалақдек товланадиган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакор кулолчилик санъатини, Кўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйлаيمانки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳоҷати йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Кўқон шаҳри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестивал арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Кўқон шаҳрига «**Жаҳон хунармандлари шаҳри**» деган юксак унвон берилди. Яъни, Кўқон шаҳри дунё хунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Кўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқроқ микёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

ЎЗХДП депутатининг Маданият ва Молия вазирларига таклифи



Бир гуруҳ кўзи ожиз болаларнинг ота-оналари мурожаатида кўтарилган масалани ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатидаги 17-мусиқа ва санъат мактаби филиалида бўлдик.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда махсус мактаб-интернатларида 2200 нафардан зиёд кўзи ожиз болалар таълим олмақда.

Жумладан, 17-сон мусиқа ва санъат мактаби филиалида 128 нафар кўзи ожиз бола таълим олади. Амалдаги тартибга кўра, ҳар бир бола ойига 152 минг сўмдан тўлаб ўқишга мажбур бўлмоқда. Бу аксарият ўқувчилар учун, уларнинг ота-онаси, оиласи учун қийинчилик туғдирмоқда: Чўнки кўпчилик кўзи ожиз болаларнинг отаси ё онасида ҳам ногиронлик бўлади, турли қўшимча тўловлар бундай оилаларга оғирлик қилади.

Масала шундаки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги (46, 121-сонли) қарори билан тасдиқланган «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган имтиёзли ўқувчилар тарихида ногиронлиги бўлган ўқувчилар назарда тутилмаган.

Бу эса кўзи ожиз болаларнинг таълим олишида қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. Мусиқа ва санъат мактабларида мусиқа таълими 5 йиллик бўлиб, якунида сертификат берилади. Мазкур муаммо оилалари тўловларда қийналаётган кўзи ожиз болалар касбдан бебаҳра қолишига ҳам олиб келяпти.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси айнан ёшларнинг мусиқа ва санъатта қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш билан боғлиқ. Ушбу ташаббус асосида мамлакатимизда кенг қўламли хайрли ишлар амалга оширилаётган пайтда кўзи ожиз болаларнинг мусиқа ва санъатта қизиқишини қўллаб-қувватлаш, улар ўқиб-ўрганиши, руҳий оламни бойитиши учун қўлай шароит яратиш долзарб масала, деб ўйлаيمان.

Халқ демократик партияси гоёвий мақсадларидан келиб чиқиб, кўзи ожиз болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш тўловидан озод этишни таклиф этаман. Бунинг учун юқорида қайд этилган низомга шу ҳақда қўшимча киритиш керак бўлади.

Бу ерда аниқлаштирилиши керак бўлган ҳолат ҳам бор. Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра, болалар мусиқа санъат мактаблари маданият вазирлиги тизимига ўтказилган. Демак, низомга ўзгартиш ёки қўшимча киритиш Маданият ва Молия вазирликлари ваколатидаги масала бўлиб қолмоқда.

Мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашганимизда кўпчилиги ўқишни давом эттира олмаслиги ҳақида афсусланиб гапирди.

— Сурхондарё вилояти Термиз туманиданимиз. Бу ерда ўқимиз ўқув ҳар ойида 152 минг сўм тўлашимиз. Лекин ота-онам бу маблағни тўлашга қийналиб қолди. Мусиқага жуда қизиқаман, санъат ҳаётимнинг мазмунига айланган. Лекин ота-онамнинг пул тополмай қийналишини ўйласам, юрагим эзилади. — дейди ўқувчи **Севара Шобердиева**.

— Утган йили рубоб йўналишида ҳам тахсил олдим. Аммо бу ерда ўқишни давом эттиришни учун имкониятимиз етмаётти, оиламиз шароити кўтармаяпти. Илоҳи бўлса, илтимос қилган бўлардим, кўзи ожизлар учун мусиқа мактабига ўқиш бепул бўлса... менга ўхшаган болаларнинг орауларни амалга оширди... — дейди яна бир ўқувчи **Сарвар Болтабоев**.

Янги ўқув йили бошланганига ҳали кўп бўлмади. «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га тез орада қўшимча киритилса, қанчадан-қанча кўзи ожиз болаларнинг орауларини асраб қолган бўларди. Маданият ва Молия вазирлари шу масала бўйича ўз муносабатини билдиради, деб умид қиламан.

Аксавли ТУМИШОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

ПАРТИЯМИЗНИНГ ИЖТимоий ҲАМКОРЛАРИ

Хунармандчилик кўргазмаси



Бекобод шаҳар Ногиронлар жамияти раиси Х.Аманова ташаббуси билан хунармандчилик ярмаркаси ташкил қилинди. Кўргазмада ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар томонидан тайёрланган кийим-кечаклар, рассомчилик асарлари, турли тақинчоқлар, ҳайкалтарошлик буюмлари кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, кўргазмада қатнашган II-гуруҳ ногирони 27 ёшли Солиҳа Сирожева тиккан чойнак учун ёпқичлар, ёстиқчалар, елпигичлар кўпчиликка манзур бўлди.

Иккинчи гуруҳ ногирони, 20 ёшли Мухайё Умарқулова ҳам моҳир чевар. У ёш болалар учун кийимлар тикади. Бежирим ва бир-биридан кўркам либослар болаларнинг эғнида янада гўзал кўринди. Уларни сотиб олганлар Мухайёга алоҳида раҳмат айтишди.

— Бекор ўтиришни ёқтирмайман, — дейди II гуруҳ ногирони **Шаҳло Холматова (25 ёш)**. — Аммо. Ҳамиша бирор юмуш билан банд бўлишга ҳаракат қиламан. Тўқийча қизиқаман. Авваллари оила аъзоларим учун турли кийимлар тўқиб юрардим. Ҳозир бозорга ҳам арзон ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаяпман. Кўргазмага ўзим тўқиган куз-киш учун мўлжалланган кийимлардан олиб келдим. Кўпчилик қизиқиш билдирди. Харидорлар ҳам чиқди. Тўғриси, унча-мунча пул ҳам ишладим. Энди уша пулга яна рангли иплардан олиб, бош кийим ва шарфлар тўқийман. Айтганча, бир нечта буюртма ҳам олдим.

Ярмаркада Бекобод шаҳар ҳокими З.Файзуллаев, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Х.Иброҳимова иштирок этди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Йигирма йиллик муаммо қачон ҳал бўлади?

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши раиси Ҳақимбек Раҳматов туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Жалол Дунгобоев сайловчилар билан учрашишни айтиб, бизни ҳам таклиф этди.

Сергели тумани 5-мавзёдаги «Ҳабибий» маҳалласига етиб борганимизда депутатни Камолитдин ота Матёкубов билан суҳбатлашганини кўрдик. Уларнинг олдига яқинлашиб, нима ҳақда гап кетаётгани билан қиздик.

— Сергели тумани 5-мавзёда 2 та маҳалла бор, — дейди отахон. — Икки маҳалла худудида битта мактаб фаолият кўрсатади. Яқинда хусусий бочча ишга тушади. Болаларимиз йўлнинг нариги юзи — Сергели 8А-мавзё ҳамда 7-мавзёда жойлашган мактаб ва боччаларга қатнайди. Мавзени ажратиб турадиган йўлда пёдалар йўлкаси бор. Аммо ҳайдовчилар кўп ҳолларда бунга эътибор қилишмайди.

Камолитдин ота бизни йўл ёқасига бошлади. Қатновни диққат билан кузатишимизни тайинлаб, сўзини давом этди.

— Бу ерга кўчиб келганимга йигирма йилдан ошди. Шу вақт оралиғида автохалокат оқибатида 12 киши оламдан ўтди. Айниқса, эрталаб 7:30дан 8:30гача халқ тили билан айтганда «час пик» вақти келиб вазиятни кузатсангиз, ҳаммасини тушуниб олсангиз. Тўғри, бу ерда ҳайдовчи ва йўловчиларда ҳам гап йўқ. Лекин айбдорни қидиришдан кўра, муаммонинг олдини олган яхши эмасми? Кўп ташкилотларга, мутасаддиларга мурожаат қилдик. Аммо натижа йўқ. Биргина йўлчиқор ўрнатиб билан муаммо ҳал бўлишини билди турсангиз, бунга амалга оширилмасангиз қийин эканда, болам...

— «Ҳабибий» маҳалласига раис бўлиб сайланганимга тўрт ойдан ошди, — дейди **маҳалла раиси Равшан Қосимов**. — Маҳалламизда «Обод кишлоқ» дастури асосида таъмирлаш ишлари олиб борилапти.

Идорага кириб келишингизда кўзингиз тушгандир. Йўллар асфальт қилинган.

Худудимизда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 7 ёшгача бўлганлар 271 нафарни, 7-16 ёшгача бўлганлар эса 737 нафарни ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, икки маҳалла болалари битта мактабга боради. Бундан ташқари, туманимизда қўрилган янги йўллардаги аҳоли ҳам яқинлиги боис фарзандларини шу мактабга ўқиш учун беришган. Мактабимиз қамрови эса 1200 нафар.

Тўғриси, светофор масаласи бўйича расман бирор ташкилотга мурожаат қилмадим. Аммо Халқ қабулхонаси вакили билан бўлган суҳбатда муаммо ҳақида айтгандим. Ўрганиб чиқамиз, деган жавобни олгандим.

Ярим соатлик кузатувимиз давомидида ўнлаб йўл ҳаракати қоидалари бузилганига гувоҳ бўлдик. Ҳайдовчилар пёдалар йўлкасидан ўтаётган инсонларга сигнал чашиб, «тез-тез юрсанг бўлмайдингиз», деган илҳомлар ҳам қўпоғимизга қалинди. Ҳатто бир машина нақ пёдалар йўлкасининг ўзидан қайрилиб олди. Агар бу ерга кузатув камераси ўрнатилганда, уларга катта жарима солинган бўларди. Ёки кузатув камерасини кўрган ҳайдовчилар, белгиланган қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ҳаракат қилармиди.

Депутат билан биргаликда «Ўзгариш» маҳалласи томон йўл олдик. Мазкур масала юзасидан **маҳалла раиси Суннат Хонбобоев**нинг фикри билан қиздик.

— Маҳалламизда 45 та 9 қаватли уй бор, — дейди Суннат Хонбобоев. — Эрталаб ҳамма ишга, ўқишга шошилади. Шу вақтда пёдалар қатновини бошқариб бўлмай қолади. Икки маҳалла аҳолиси светофор бўйича кўп бор мурожаат қилган. Масала ҳозирча ҳал этилгани йўқ. Ўзингиз эшитган, вазиятни ўргатган бўлсангиз керак. Йўл янги қурилаётган.

ган метро бекатига олиб боради. Шунингдек, Абу Саҳий, Бек Барака бозорларига элтувчи катта йўлга олиб чиқади. Табиийки, қатнов ҳажми катта бўлади. Ўйлашимча, светофор ўрнатилса, тирбандлик ҳосил бўлади. Таҳминим бўйича мутахассислар, масъуллар шунинг ҳисобини олишяпти. Қайтариб айтман, бу менинг шахсий фикрим. Аммо ҳеч бир ваз инсон ҳаётидан устун бўла олмайди. Энг муҳими, ҳар томонлама маъқул ечим топиш керак.

— Аслида бу виждон масаласи ҳам, — дейди **Камолитдин ота Матёкубов**. — Барчамиз бирдек кўчада юриш маданиятига амал қилганимизда муаммо бўлмасди. Баски, ҳаракатни тартибга солиб бўлмаяптими, йўлчиқор ўрнатилиши керак, деб ўйлаيمان. Бу ҳақда турли ташкилотларга, туманимизнинг собиқ ҳокимига ҳам мурожаат қилганмиз. Ёдимда. Болалар инспектори бор эди. У йўлдан мактаб, боччага шошилаётган болалар учун автомашиналар қатновини тўхтатиб, уларни йўлдан ўтказишда қўмақлашарди. Ҳатто уни ҳам шу ерда машина уриб кетганига нима дейсиз?.. Инсонлар ҳаётдан кўз юмишига индамай қараб туриш мумкин, светофор қўйиш мумкин эмасми?..

Депутат вазиятни яхшилаб ўрганди, муаммога ечим топиш кераклигини айтди. Бунга ортага суриб бўлмаслигини таъкидлади. Мутасадди ташкилотларга зудлик билан депутатлик сўрови юбориб, қонун доирасида масалани ҳал этишга ваъда берди.

Сергели тумани 5 ва 7,8А-мавзени ажратиш турувчи «Меҳриғиё» эски (Маънавия кўчаси) асосий кўчаси. Минглаб болалар мактаб, боччага бориш учун мазкур йўлни кесиш ўтади. Ҳаракат йўлчиқор билан тартибга солинмагани боис одамлар ҳаёти хаф остида қолмоқда.

Махлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Саттор РАҲМАТОВ
Халқ демократик
партиясининг
Мажлис Қонунчили-
қисидagi фракция-
аъзоси
(ЎзА)

Халққа биринчи галда адолат керак. Давлат – адолатнинг гарови.

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ йўлга назар ташлайдиган бўлсак, ундаги изчиллик ва тадрижийлик, тараққиёт ва такомилни кўрамиз. Чунки суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мамлакатимизда кеча ёки бугун бошланган жараён эмас.

Халққа биринчи галда адолат керак. Давлат – адолатнинг гарови. Адолатни таъминлаш учун эса суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозим.



РИВОЖЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН:

иккинчи устувор йўналиш моҳияти

Иккинчи мақола

Газетхонларимизга яхши маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида беш устувор йўналишнинг иккинчиси қуйидагича баён этилган: «Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш».

Бир жиҳатни асло унутмаслигимиз керак. Мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейин мамлакат ва халқ тарихида ўта муҳим бўлган икки вазифа турар эди. Биринчиси – Ўзбекистон ҳудудида тамомен янги, мустақил давлат тузиш. Иккинчиси – социализмдан воз кечиб, янги ижтимоий-сиёсий тузум барпо этиш. Бунинг учун давр ислохотларни амалга оширишни талаб қиларди. Шу боис сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда ислохотлар бошланди. Сиёсий ислохотлар таркибига, табиийи, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ўзгартириш ҳам кирди. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш ўзини ҳам, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, яъни уни замон талабларига мос даражада такомиллаштириш лозим эди. Мустақиллик йилларида бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Суд ҳокимияти – давлатнинг уч асосидан бири. Чунки замонавий давлат тушунчаси айнан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бирлигидан иборат бўлади. Шундай

экан, суд тизимининг мақоми, аввало, Конституцияда белгилаб берилди. Мустақил давлат фуқароси жамият билан бирга қадам ташлаши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши, бурчларини масъулият билан бажо келтириши, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши, тараққиётдан ортада қолмаслиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўиши учун ҳам унинг қўлида Конституция бўлиши керак эди.

Асосий қонунимизнинг XXII боби «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланади ва у жами 11 моддани (106 – 116-моддаларни) қамраб олади. Уларда суд тизимининг вазифа ва ваколатлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган.

Мустақиллигимиз дастанбиди йилларидаёқ халқнинг топталган, чор ҳуқуқати давридаги мустақила-илик ҳамда шўро замонидagi ярим мустақила-качилик сиёсати зада қўлиб ташлаган қадрини кўтариш, қаддини ростлаш, унинг қабдида гуру-ифтихор ҳиссини уйғотиш ва қучайтириш, уни Ватанини севишга, унга хизмат қилишга ундашга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракат қўллаб-қувватланиши лозим эди.

Ислохотлардан қўланган бош мақсад – инсон ҳаётини яхшилаш, унинг эмин-эркин яшashi, ривожланиши, бунёдкорлик ишлари билан фаол шўғулланиши, умрни унумли ўтказиши, турмуш мазмунининг бойишига эришилганидан иборат. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эса, аввало, суд-ҳуқуқ тизими адолатли тарзда ҳимоя қилади.

2017 йилда судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий қатъият (принцип)ига риоя этилишини таъминлашга қўмақлашадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Президент ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга

таъсис этиш бўйича олий комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги ана шу янги тузилган Кенгашга ўтказилди.

Шунингдек, Олий суднинг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди ҳамда ишларни биринчи инстанцияда қўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш орқали фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Бу ислохот суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самардорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда бўлаётган янгиликлар Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талабларига айна мос келади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини ошириш, уни илгариги жағловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, судлар томонидан жиноят ишларини қайта терговга юбориш амалиётига чек қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар

Барча саъй-ҳаракатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода адолат кўргонига айлантиришга йўналтирилди.

Ҳаракатлар стратегияси реал ижро талаб қилади. Уни амалга ошириш эса давлат ва халқ бирлигида жуда катта ишларни бажаришни тақозо этади. Мустақил давлатчилигимиз тарихида илгари ҳеч қачон ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда ҳозиргидек жадаллик юз бермаган эди. Бу мамлакатимизда ислохотларни мисли кўрилмаган даражада чуқурлаштириш жараёни бошланганидан далолат беради.

Қўсқа фурсатларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими тубдан қайта қўриб чиқилди. Суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди. Ички ишлар органлари тизими ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга – халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилди.

Бу мақсад замирида эса Президент Шавкат Мирзиёев аниқ қилиб айтиб бериб қўйган ва ижросини қатъий туриб талаб қилаётган: «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кенан мос келади».

Мамакатимизда ёшлар тарбияси – ҳаёт-мамат масаласи. Келажакни ўйлаган ҳар қандай халқ бу масалани нисбатан бефарқ бўла олмайдди. 2017 йил 30 июнда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, ёшлар ташкилотига талай имтиёзлар берилгани бу масала давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатади.

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб, ўртага ташлаган беш ташаббус моҳиятида ҳам ана шу эзгу мақсад – мужассам.

Хабарингиз бор, иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойен қилишлари учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

Фарзандларимизни, аввало, соғлом, жисмонан бақувват қилиб вояга етказишимиз лозим. Бунинг учун соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишимиз, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришимиз, болаларимизнинг бўш вақтида уларни янада чиниқтириш тадбирини кўришимиз зарур.

Спорт – аввало, соғлиқ гарови. Қолаверса, мамлакатни жаҳонга танитишда спортчилик қўлай восита – кам. Болалар спортини ривожлантирмай туриб катталар спортида улкан муваффақиятга эришиб бўлмаслиги – қундай равшан. Болалар спортини раванқ топтириш учун эса, ўз навбатида, катталар спорти ривожланиб бўлиши лозим.

Ана шу мақсадда пойтахтимизда «Нито Агеп» мажмуиси қад ростлади. Бу каби замонавий спорт иншоотлари барқамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хатто, энг олис туманларда ҳам, замонавий ва фойдаланиш учун қўлай спорт инфратузилмаси барпо этилапти, кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан шўғулланидиганлар сони икки баробар қўяйди.

Хулоса қилиб айтганда, беш устувор йўналишнинг иккинчиси ва беш ташаббуснинг иккинчиси ижроси бўйича улкан ишлар амалга оширилаётди. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг ширин медалларини беради, айтиш керак.

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

эса маъмурий судларда иш муайян ҳолатларда фуқаролар ва ташкилотлар томонидан, бошқа ҳолатларда эса давлат органининг аризаси бўйича қўзғатилади.

Масалан, Россия Федерациясининг Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодексига асосан маъмурий судлар қуйидаги ишларни қўриди: - маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи фуқароларнинг бузилган ёки низолашлайётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ишлар; - жисмоний шахсларга ва ташкилотларга нисбатан маъмурий ҳокимият талабларини амалга оширишда ташкилотларнинг ҳуқуқлари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан мажбурий суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ишлар.

Германия Федератив Республикасининг маъмурий судлари эса, қуйидаги ишларни қўриди: - фуқаролар ва ташкилотларнинг давлат органларига нисбатан оммавий-ҳуқуқий даъволари бўйича ишлар; - давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги низолар; - давлат хизматчиларининг макроти тўғрисидаги ишлар ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинса, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни одил судлов йўли билан ҳал этиш имконияти кенгайиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг қонуний ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) дин ҳимоя қилишда мустаҳкам процессуал-ҳуқуқий асос бўлади.

Азиз ХОНКЕЛДИЕВ, Паркент туман маъмурий суди раиси.

СИНГАПУР САРДОРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонамизда ижодий учрашув, китоб тақдимотлари, турли тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланиб бораёпти. Яқинда «Истеъдодли инсонлар – мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир» деган янги китоб тақдироти бўлиб ўтди. Китоб муаллифлари иқтисод фанлари доктори, профессор, тадбиркор, инвестор М. А. Раҳматов, биология



фанлари доктори, профессор, жаҳон физиологлар жамияти академиги Б. З. Зарипов. (Бу – олимларнинг учинчи ижодий ҳамкорлиги, ўтган йили уларнинг «Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш», бу йил бошида «Конфуций ҳикматлари» китоблари чоп этилган эди) Янги асар қаҳрамони – қолақ бир давлатни қисқа муддатда дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантирган раҳбар - «Сингапур мўъжизаси»асосчиси Ли Куан Ю (1923-2015). Халқи фахрланиб ЛКЮ деб атайдиган машҳур шахс ҳақида илгари ҳам қисқароқ, йўл-йўлакай бўлса-да эшитган, ўқиган эдик. Лекин фавқулодда истеъдодли, беназир ташкилотчи, инқилобий ўзгаришларга қўл урган, мамлакатини даярли йўқ жойдан бино қилган инсон ҳақида китобда кенг, муфассал маълумотлар берилган, афоризмга айланиб кетган доно фикрлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг юксак эътирофлари, келтирилган. Мана, бешилари:

«Ли биз ҳурмат қиладиган оқсоқолимиздир...Сиз тинмай меҳнат қиляпсиз ва мен сизга қойил қоламан» . Си Цзинь Пин.

«Унинг барча нутқларини ўқиб чиқдим ва у ҳеч қачон хато қилмайд деб ҳисоблайман». Маргарет Тэтчер; «Мен қўлаб оқил ва лаёқатли инсонлар билан учрашганман, бироқ ҳеч ким менда Ли Куан Юдек катта таассурот қолдирмаган. Жорж К. Бущ;

«Ҳам сиёсий етакчи, ҳам давлат арбоби сифатида бутун умри давомида у мисли қўрилмаган натижаларга эришди». Г. Шмидт;

«Ли Куан Ю Сингапурни дунёда ўхшаши йўқ мўъжизага айлантирди. У жаҳондаги энг кам коррупциялашган сиёсий тизимни қурди. Бу – буюк натижа». Самюэль Хантингтон;

«Сингапурга расмий делегация билан борганимизда Ли Куан Ю – буюк давлат ва жамоат арбоби, ўз дунёқараш, Ватанини чексиз садоқат билан севиши, қуч-ғайрати, суҳбатдошларга илиқ меҳри билан бизни қойил қолдирган эди. Бу давлатнинг иқтисодий ривожланиши, экологияси, инсонларга муносабати, молия, банк, таълим ва бошқа тизимларнинг намунавий йўлга қўйилганилиги, коррупцияга қарши кураш йўллари билан бизни ҳайратга солган эди». Оқил Салимов.

«Сингапурнинг энг катта ютуғи» бўлимида муаллифлар Ли Куан Ю иш услуби, раҳбарлик салоҳияти, одамларга муносабати, адолатпарварлиги, қатъияти, бунёдкорлиги, фавқулодда меҳнатсеварлиги, масъулиятсизлик, тартибсизлик, таъмағирликка тоқат қилмаслиги ва бошқа турфа фазилатлари, оилавий ҳаёти, фарзандлари тарбияси ҳақида мароқли ҳикоя қилишган.

Профессор М. Раҳматов тақдимотдаги нутқида, халқини бир йил боқаман деган раҳбар бўғди, ўн йил боқаман деса дарахт эктириш, бир умр боқаман деса или-таълимга катта эътибор бериш кераклиги ҳақидаги ибратли мисолни эслатиб, бизда ҳам билим, таълимга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу қўп ўтмай ўз самарасини беражанини алоҳида таъкидлади.

Китобда Ли Куан Юнинг доно, чўнг фикрлари, ҳикматли сўзларидан анчаси келтириб ўтилган, айримлари билан танишнг:

«раҳбарлик лавозимларини – ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий аҳволидан қатъи назар – энг қобилиятли кишилар эгаллашлари лозим»; «ўзингизни англап, ўз имкониятларингиз доирасидан чиқманг»; «умр бўйи ўқувчи бўлинг, энг яхши гояларни ўзлаштиринг»;

«ўз ишингиз бошқаларга яхши кўрсата олсанг одамлар сенга қўлоқ солишад»; «коррупцияларни жазолаш муаммосига дуч келар эканмиз, биз қонунларни тобора қучайтириб бордик»; «истеъдодли инсонлар мамлакатнинг қимматбаҳо бойлигидир»;

«Агар мамлакат нотўғри бошқарилса, ақлли одамлар кетиб қолади»; «агар солиқ жуда кўтарилиб юборилса, энг яхши кишилар мамлакатни тарк этади»; «ўз устидан қулишларига йўл қўйган раҳбар асло раҳбар эмас»...

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилиги фикрини шакллантиришнинг кучли воситаси эканлигида Ли Куан Ю катта эътибор берган экан. Матбуотнинг ҳолис, ҳаққоний танқидига бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кераклигини, йиғилишларда қозғога қарамай гапиришни маъқул кўргани китобда таъкидланган.

Тақдиримизда сўзга чиққан иқтисодчи, сиёсатчи олимлар, ижодкорлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам республикамиз иқтисодиётини, жадал ривожлантириш, халққа гамҳўрликни доимо диққат марказида тутти, янги гоя, ташаббуслар билан чиқди, янгиликларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, илим, таълим, тарбияга катта эътибор қаратиш, маънавиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олиш, тинчлик, осийошталлик учун кураш, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида Ли Куан Ю, Ден Сяо Пин сингари бетимин заҳмат қилган ва бу сай-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани, беражанини таъкидлашди.

Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи.

МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛанади

Мамлакатимизда янги ташкил этилган маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатига эга.

Шу пайтга қадар бу турдаги низолар, хусусан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса жиноят судлари томонидан қўриб келинган эди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади. Ҳозир оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар маъмурий судлар томонидан фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ қўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқлилиги белгиланди.

Мазкур тоифадаги ишларни қўриш маъмурий судларга ўтказилиши муносабатидан Олий суд томонидан янги тахрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Кодекс лойиҳасининг 4-моддасида маъмурий судларнинг вазифалари ўз ифодасини топган. Маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашлайётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш маъмурий судларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланмоқда.

Кодекс лойиҳасида маъмурий судларга тааллуқли ишлар сифатида маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи фуқароларнинг бузилган ёки низолашлайётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишлар белгиланмоқда.

Ушбу тоифага киритилган ишлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг аризалари (шикоятлари) асосида қўзғатилади. Мазкур аризалардаги (шикоятлардаги) талаблар бузилган ёки низолашлайётган ҳуқуқлар, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Бундай ишлар бўйича давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қиёфасида жавобгар давлат ҳисобланади.

Жумладан, мазкур тоифадаги ишларга давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини буздириш соғувчи қонун ҳужжатлари ўрганилди. Ғарб мамлакатларида маъмурий судларда иш фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ёки низолашлайётган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги аризалари бўйича, МДХ давлатларида

Кодекс лойиҳасининг иқтисодий

Ўттиз-қирқ йил давомида қилинмаган ишлар сўнгги икки йилда амалга оширилди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МЎЙНОҚ

МУНОСАБАТ

Истиқлол байрами арафасида биз — бир гуруҳ илм-фан, маданият ва адабиёт вакиллари Қорақалпоғистон Республикасида бўлдик. Таъкидлаш керакки, бу қадим диёрда байрам шукӯҳи ўзгача бир кўтаринкиликда намоён бўлган эди. Бунинг боиси — Президент Шавкат Мирзиёевнинг 20-21 август кунлари ушбу саховатли заминда бўлиб, раҳбарлар, фаоллар, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари билан учрашиб, самимий мулоқотлар қилиб, кейинги уч йилда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил этиб, бу ўлкани янада ривожлантириш бўйича мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бергани бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Мўйноқда ҳам бошқа туман ва шаҳарларда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари одамлар қалбига яшаб, ишлаб бўлган ишонч ва иштиёқни уйғотган бўлса, у кишининг навбатдаги ташрифи бу туйғуларни янада мустаҳкамлади. Президентимизнинг **Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин!** деган сўзлари бугунги кунда нафақат Қорақалпоғистонда, айна вақтда бутун Ўзбекистонимизда минг-минглаб инсонлар қалбига акс садо бериб, уларни катта-катта мақсадлар билан яшаб, улкан ишларни амалга оширишга ундамоқда. «Қилса бўлар экан-ку!» деган эзгу даъват ҳозирги вақтда шаҳар ёки қишлоқда бўлсин, кекса ёки ёш бўлсин, барча юрдошларимизнинг фикру зикрини қамраб олмақда.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистонда эзгу ният билан қилинадиган ҳар қандай олижаноб ташаббуслар учун йўл очиб, бу борада биз учун Мўйноқ амалий тимсол бўлиб хизмат қилмоқда.

Қисқа муддатда эришилган бундай натижалар ҳақида гапирар эканмиз, аввало, давлатимиз раҳбарининг Мўйноқ туманидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни, бу ерда яшаётган инсонларнинг дарду ташвишларини вақтида чуқур англаб, қабул

қилган қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини таъкидлашимиз ўринлидир. Президентимизнинг ўтган йили ноябрь ойида бу ерга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар асосида ҳукуматимизнинг Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ва комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик курилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилган. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида қисқа вақтда қатор объектлар қуриб битказилди. Масалан, туман марказида 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари маркази, мусиқа ва санъат мактаби, спорт зали, ёпиқ бассейн барпо этилди. Шунингдек, тумандаги маданият маркази ва стадион, «Бозатау» овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди. Бундан ташқари, қанча йўл ва хиёбонлар, майдонлар, турар-жойлар янгиланди, янги табиий газ ва ичимлик суви, электр тармоқлари тортилди. Яъни, йиллар давомида қилинмаган ишлар сўнгги икки йилда амалга оширилди. Энг муҳими, бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Биргина балиқчилик соҳасида

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, сўнгги 42 йил давомида жами 400 минг гектар майдонга саксовул экилган бўлса, 2018-2019 йиллардаги киш-бахор мавсумида қарийб 500 минг гектар ерда ҳимоя ўрмонлари барпо этилган. Президентимизнинг ташрифи пайтида келгуси икки йилда яна 700 минг гектар майдонни яшил ҳудудга айлантириш имкони борлиги айтилди.

ОСМОНДАН ТУШГАН ҚАРЗЛАР

ёки коммунал тўловлар бўйича «Сувсоз»даги чалкашиқлар

Ривожланган мамлакатларда табиий газ, иссиқ сув, иссиқлик ва электр энергияси таъминоти сингари коммунал хизматлар сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Бизда ҳам 2017 йил 18 апрелда Президентимизнинг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. Уй-жой кодекси ҳамда «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўтган икки йил ичида аҳолини табиий газ, иссиқ сув, иссиқлик ва электр энергияси таъминоти билан боғлиқ анча муаммоларга ечим топилди, бир қатор ижобий ўзгаришлар қилинди. Лекин шунга қарамай, тизим фаолиятида ҳамон исстеъмолчиларни сарсон-саргардон қиладиган ҳолатлар учраб турибди. Хизмат сифатидан норози фуқаролар Президент виртуал қабулхонасига, оммавий ахборот воситаларига, кўплаб тегишли идораларга мурожаат қилапти...

Тўғри, биз исстеъмолчиларда ҳам айб бор, тўловларни вақтида қилмаймиз, натижада ҳисоб рақамимизда пайдо бўлган қарздорлик ёки коммунал хизмат ташкилотларидан келган хатни ўқиб тўловлар ёдимишга тушади. Баъзан эса, қарздорлик қардан пайдо бўлди, ахир тўловларни ўз вақтида қилганман-ку, деб, масалага ойдинлик киритиш учун югу-

риб қоласиз. Улар эса фалон нарсангиз писмадон бўлган, шундан сизга қарздорлик чиққан, марҳамат қилиб тўлаб қўйинг, дейишди. Қарздорлик асосида бўлса, уни исботлаш учун Худо сизга сабр берсин, яна асабингизни эҳтиёт қилинг. Акс ҳолда, бирор касаллик орттириб олишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Мен буни танамда бир неча бор сынаб кўрганам учун ўзим мисолида ёзаялман. Гап шундаки, мен истиқомат қиладиган Гўзал маҳалласи илгари Тошкент вилоятининг Заңгиота туманига қарар эди. Бугунги 5-6 йил илгари Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманига қўшилди. Натижада менинг ҳовлим илгари Гўзал 25-уйдан Гўзал 43-уйга айланди. Коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаганим туйфайли қанчалар пеняларни тўлашга тўғри келган. Шунинг учун ҳозир ҳар бир тўловни вақтида амалга оширишга ҳаракат қиламан. Шунга қарамай, 2018 йилда «Сувсоз» ДУК Яшнобод туман сув таъсимоти бўлимидан совуқ сув исстеъмолидан қарздорлигим ҳақида бир нечта оғоҳлантириш хати олдим. Бориб суриштирсам, барака топқурлар менинг эски уй рақамим, Гўзал 25-уйни ва унда яшайдиган инсонларни ҳам Гўзал 43-уйга киритиб қўйишди.

Хуллас, ҳозирги Гўзал 25-уйда яшайдиган оиланинг коммунал тўлови менга тегишли эмаслигини исботлаш учун бир неча кун оловра бўлдим. Маҳалладан маълумотнома, кадастр ва уй дафтарида нусха, Гўзал 25-уй эгаси ҳақида маълумотнома ва ҳоказо. Шундан кейин «адашди қолибди, компьютер хато қилган», деган вазлар билан мени тинч қўйишди.

Бугун тўлов интизоми бир қадар жойига тушди. Тўғри, коммунал тўловлар нархи йилдан-йилга ошиб борапти, бозор иқтисоди ўз кучини кўрсатапти. Лекин турмуш тарзимизни, ҳаётимизни та-

бий газ, иссиқ сув, иссиқлик ва электр энергиясиз тасаввур қила олмаймиз. Шунинг учун уларнинг нархи қанча ошиб бормасин, одамлар барибир тўлаши керак. Тўламаса, ундириб олинади. Бироқ таассуф билан айтиш жойизки, коммунал хизматлар сифати жуда паст, бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Хонадонга сув ҳисоблагич қўйилмаса, ҳовлидаги сугориладиган майдон учун сув сарфи тўловни анча-мунча ошиб кетишини ҳисобга олиб, 2019 йилнинг апрель ойидан ҳисоблагич ўрнаттирдим. Икки-уч ой давомида тўловларни ошиғи билан ўтказиб қўйдим. Август ойида эса «Гўзал 43-уйнинг 01.08.2019 йил ҳолатига 2 миллион 941 минг 786 сўм 79 тийин қарздорлиги бор», деган отнинг калласидай хат келиб қолди-ку?! Яна бу нимаси? Ҳисоблагич қўйган бўлсам, тўловларни вақтида амалга ошириб келаятган бўлсам?! Шундай истиҳолалар билан яна Сувсоз» ДУК Яшнобод туман сув таъсимоти бўлимига бош урдим. Одам тирбанд, ҳамма тўлов билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун келган. Ўша ерда ишлайдиган ходимлардан бири компьютердан менинг яшаш манзилиمنى кўриб: «Маҳаллада иккита Гўзал 43-уй борми?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «Бу ерда иккита шундай

уй чиқаяпти, қарздорлик ҳам ёзиб қўйилган», деди ходим. Компьютерга қараб, манзил, турмуш ўртоғимнинг исм-фамилиясини кўрдим. Унинг тагида эса Юсупова деган фамилия турган экан. «Юсупова ким?», деб сўрадим. «Ўша уйнинг эгаси бўлса керак, мен қардан билай?» деди ходим. Кейин менга яна бир марта уй дафтари, кадастр ва маҳалладан маълумотнома олиб келишни сўради, текшириб кўрамиз, деди.

Эртаси кун яна айтилган ҳужжатларни олиб бордим. Ташкилот раҳбари Жаҳонгир Мираҳмедов ҳужжатларни кўрди, компьютер билан солиштирди. «Компьютерда шахсий ҳисоб varaғи рақами нотўғри келтирилган экан, уни ўчириб ташлаймиз», деб мени юпатган бўлди. Кейин ҳовлининг ер майдонини қайта ўлчади, кадастр ва уй дафтарида суратга олди. Лекин 2018 йил ҳисоблагич ўрнатилмаган давр учун 365 минг 200 сўм қарздорлик чиқарди. «Қанақа қарз, ҳаммасини тўлаганман-ку», десам, «Бу сугориладиган майдон учун тўланадиган фарк, шунини тўлаб қўйсангиз, кейин сизни ҳеч ким бевозта қилмайди», деди...

Бу муаммолар аслида бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Коммунал

хизмат идораларига бориб қолсангиз, қардан келди бу қарздорлик, деб сарсон-саргардон бўлиб юрганларни жуда кўп учратасиз. Демак, буларнинг ҳаммаси атайлаб қилинапти, деган хулосага келади киши.

Тўғриси, ойма-ой қолдирмасдан ёзилган суммаларни тўлаб келган бўлсам, қарзим бўлмас, бу қанақа фарқ эканлигига ақлим қисқалик қилди. Тўладим. Ҳар ҳолда, бу елкамга қўйилган 3 миллион сўмдан ўн баравар камроқку, деб ўйладим. Ташкилотдан чиқиб кетаётим, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун кўйиб-пишиб жанжал қилаётган яна бир қарра назар ташладим. Коммунал хизмат тўлови учун навбатда турганларнинг кети кўринмайди. Бақир-чақир, ҳамманинг ҳисобварағида компьютер «адашгани» туйфайли қиритилган асосида қарздорликлар, ҳамма асабий... Уларнинг бақириб-чақирлишидан менга нисбатан қилинган ўйинлар ҳамир учидан патирдай гап эди.

Мен-ку ўз ҳақлигимни исботладим, қолганлар-чи? Қачон бу соҳада хизмат кўрсатиш маданияти қўнғилдагидек йўлга қўйилди? Ахир марказлашган компьютер замонида яшайликмику...

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик.

Нуруллоҳ ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



АЁЛЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши томонидан «Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори» мавзусида форум ўтказилди.

Уйчи туман партия кенгаши, туман Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуруний», «Маҳалла» жамоат фондлари ва Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими билан ҳамкорликда тadbир қишлоқ аёлларининг ўзаро мулоқот майдонида айланди. Иштирокчиларга партиянинг янги Сайловолди дастури лойиҳасига хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қандай таклифларингиз бор, деган саволлар тарқатилди.

Олдинги дастурда хотин-қизлар ўртасида қасаначиликни кенг жорий этиш билан боғлиқ мақсадлар ифодаланган. Бу амалий ишларда ҳам кўзга ташланади. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилавий тadbиркорликни рағбатлантириш, жамиятда аёлнинг ўрни ва фаоллигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратиш зарур, дейишди иштирокчи аёллар.

Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Раънохон Назарова, туман адлия бўлими бошлиғи Ҳалимжон Қобилов, «Нуруний» жамағармаси туман бўлими раиси Тохиржон Исмаилов, хотин-қизлар қўмитаси қoшидаги «Қайоналар мактаби» раҳбари Маликаҳон Тўхтамирзаева ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари иштирокчиларни фаолликка ундади.

— 5 нафар фарзандим бор. Тақдир тақозоси билан уларни ёлғиз бошим билан ўзим катта қилялман, — дейди Сайёра Абилова. — Пишириқчиликка қизиқаман, бу иш қўлимдан келади. Бир кун шу ҳақда ўйлаб, ушбу йўналишда иш бошлаш фикрига келдим. Туман хотин-қизлар қўмитаси ва ЎзХДП туман кенгашига бордим. Улар менга зарур тавсияларни беришди. Қизларим ва жиянимдан иборат оилавий тadbиркорликни бошладим. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, шу йил март ойида «Халқ банки»дан ўттиз миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Пишириқ печи ва миксер сотиб олдим. Ҳозир маҳсулотларимизга талабгорлар сафи кенгайиб бормоқда. «Ўзбегим» миллий ширинликлари ёрлиқли пишириқларимиз ўндан зиёدد дўконларида сотилишда... Айтганча, туманимизда амалга оширилаётган «Обод марказ» давлат дастури доирасида бизга алоҳида жой ажратиб беришмоқчи. Фаолиятимни кенгайтириб, йил якунигача ишчилар сонини 20 нафарга етказмоқчиман.

Форумда тумандаги хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар бўйича мунозааралар тушди.

— «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғини қoшида «Оқила-Мадинабону» ўқув маркази очиб, унда 19 нафар ишсиз хотин-қизларга каштачилик сир-асорларни ўргатилди. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан аёллар стипендия билан ҳам таъминланди. Аммо икки ойдики, ўқув марказида мурабийлик қилган икки нафар аёлга иш ҳақи берилмагани учун машғулотлар тўхтаб қолди. Шу масалани бартараф этишга ёрдам сўрамоқчиман.

Маҳалла маслаҳатчиси Ҳамидхон Нўрмоновнинг бу сўрови вилоят Кенгаши депутаты Нафиса Мамасолиева томонидан форум якунигача ижобий ҳал этиб берилди.

Форум доирасидаги меҳнат ярмаркасида 13 та корхона-ташкilot 528 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу куннинг ўзида 28 аёлга доимий ишлаш учун йўланма берилди. 411 нафар қишлоқ аёллари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, 109 нафар аёлга даволаниш бўйича тавсиялар берилди.

— Яқин бир йилдан буён бел ва оёғимда оғриқ сезаман, — дейди «Янгибек» маҳалласида яшовчи Муҳаддас Қодирова. — Қўшниларим бугунги тиббий кўрик ҳақида айтиб қoлишди. Шифокорлар УЗИ, ЭКГ аппаратларида обдон текширишди. Асаб тоналаридаги қисилиш умумий таъшиши билан «Анамед» диагностика марказига йўланма беришди.

Шу кун ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги хотин-қизлар ҳолидан хабар олинди. Уларга кундалик маиший воситалар ва озиқ-овқат пакетлари тарқатилди.

Форум якунида партияимиз дастурий гоёларини тарғиб этишда, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган кишиларга вилоят партия кенгашининг ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши
Матбуот хизмати.



Бош вазифа — замон билан ҳамнафас, янгича фикрлайдиган, кенг дунёқарашга эга, Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган фидойи ва етук мутахассисларни тайёрлаш бурчимиздир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги мавжуд 2 та коллеж ва 12 та академик лицей негизида, ҳар бир минтақада биттадан, жами 14 та ИИВнинг академик лицейлари ташкил этилди.



БИЗГА ЯНГИЧА ФИКРЛАЙДИГАН, КЕНГ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА ЁШЛАР КЕРАК,

дейди ИИВга қарашли Самарқанд академик лицей директори, подполковник Ақтам Усмонов

Бу академик лицейлар Ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ИИВ олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартибни жорий этиш мақсадида ташкил қилинган.

ИИВ академик лицейларининг ўқув-методик жараёни, уларга амалий жиҳатдан ва ахборот-ресурслари орқали кўмаклашиш — Академия томонидан мувофиқлаштирилди. Уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш, ташкилий кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини таъминлаш эса Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Самарқандда ҳам чет тиллар институти қошидаги академик лицей тугатилиб, унинг ўрнида ИИВнинг Самарқанд академик лицейи фаолияти йўлга қўйилди. Ўз навбатида, таълим муассасасида ўқитувчилар таркиби, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва янги талабларга мос келишини аниқлаш мақсадида педагог ходимлар аттестациядан ўтказилди. Ҳуқуқшунослик бўйича дарс машғулотлари кўпчилиги эътиборга олинди, танлов асосида мутахассис кадрлар ишга қабул қилинди. Вилоят

ички ишлар бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида бошқарма соҳавий хизматларининг тажрибали ходимлари лицейда машғулотлар олиб бормоқда.

— Бугунги кунда академик лицейда ўқиш бир сменада ташкил этилган бўлиб, 1-курсда 202 нафар, 2-курсда 237 нафар, 3-курсда 228 нафар, жами 667 нафар ўқувчи тахсил олаётган. Уларга белгиланган тартибдаги ўқув режаси ва дастурлар асосида малакали педагоглар томонидан таълим-тарбия берилмоқда, — дейди академик лицей директори, подполковник Ақтам Усмонов. — Қарорда белгиланганидек, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги академиясининг кундузги бўлимига қабул фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари таркибидан амалга оширилади.

2019-2020 ўқув йили режа ва дастурларига махсус ҳамда умумкасбий фанлар (Маъмурий ҳуқуқ, Давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, Конституциявий ҳуқуқ, Фуқаролик ҳуқуқи, Оила ҳуқуқи) киритилганлиги эътиборга олинди, олий маълумотли ҳуқуқшунос-педагогларнинг ишга жалб этилиши таъминланди.

Академик лицейда 2019-2020 ўқув йилида ўқишга кириш учун ҳужжат топширган талабгорлар кўпайди. Қабул жараёни босқичма-босқич комплекс танлов асосида амалга

оширилди. Номзодлар дастлабки танлов, махсус-профессионал танлов ва тест синови топширилди.

Махсус-профессионал танловда номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида ёзма иш (диктант) олинди, жисмоний тайёргарлик бўйича синодан ўтказилди.

Якка тартибдаги якуний суҳбат умумий ўрта таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ озғича шаклда ўтказилди. Бунда комиссия аъзолари ҳар бир номзодга ўрта йўналиш (фан) бўйича биттадан савол беради. Жавоб бериш учун жами 10 дақиқа вақт берилди. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси тасдиқланган мезонлардан келиб чиққан ҳолда 5 баллик тизим бўйича ўз баҳосини қўяди, кейин эса баҳонинг ўртача арифметик бали чиқарилади.

Махсус профессионал танлов ўтказиладиган хоналарга жадвал, лугат, уяли телефон, китоб, компьютер, бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

Тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро олимпиадаларнинг мамлакат босқичи, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича вазирлиги томонидан ўтказилган танловлар ва мусобақаларда қатнашган, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари

ҳодимларининг фарзандлари дастлабки ва махсус профессионал танлов талабларига жавоб берса, академик лицейга тест синовларисиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга.

Бу йилги тест синовлари белгиланган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси белгиланган муддатларда ўтказилди. Номзодлардан жами 1594 та ариза келиб тушган бўлса, барча босқичлардан муваффақиятли ўтган 743 нафар йигит-қиз тест синовларига қўйилди. Энг юқори балга эга бўлган 182 нафар номзод ўзбек гуруҳига (ўтиш бали ўғил болалар учун 43,9, қиз болалар учун 47,2 балл), 20 нафар номзод рус гуруҳига (ўтиш бали ўғил болалар учун 35,7, қиз болалар учун 46,02 балл) қабул қилинди. 14 нафар номзод ўқишга имтиёзли равишда қабул қилинди.

Махсус профессионал танлов якунларига қўра, номзод 9 балдан кам балл тўпласа, у танловдан ўтмаган ҳисобланади ва тест синовларига қўйилмайди. Махсус профессионал танлов якунлари қабул комиссияси баёнотига асосан расмийлаштирилди.

Илгари номзодлар ҳарбий-тиббий кўрикдан ўтказилган. ИИВ академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга

ўзгартиришлар киритилиб, эндиликда улар вилоят солиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этиладиган тиббий комиссия кўригидан ўтадиган бўлди.

ИИВ Самарқанд академик лицейида 200 ўринга мўлжалланган ўқувчилар ётоқхонаси, ошхона мавжуд. Дастур асосида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўн тўрт мингдан ортиқ илмий ва бадиий адабиётларга эга бўлган ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди. Фан ва спорт тўғрисидаги, интеллект-клублар фаолияти йўлга қўйилган. Ўқувчиларимиз турли кўрик-танлов ва мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда.

Бир қатор ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар томонидан ташкил этилган бундай тадбирлар ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни спортга оммавий жалб қилиш, уларда қийин ва экстремал вазиятларда тўғри ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Бош вазифа — замон билан ҳамнафас, янгича фикрлайдиган, кенг дунёқарашга эга, Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган фидойи ва етук мутахассисларни тайёрлаш бурчимиздир.

Баҳодир ҲАМРОҚУЛОВ, журналист.

БИЛАСИЗМИ?

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ УЧУН НАРХЛАР БЕЛГИЛАНДИ



2019 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди (752-сон, 09.09.2019 й.).

Қарор кўра: — машинада терилган 1 т пахта учун — 600 000 сўм хизмат ҳақи;

— қўлда терилган 1 кг пахта учун биринчи теримда — 800 сўмдан, иккинчи теримда — 1200 сўмдан;

— мавсум мобайнида терим отряди раҳбарларига ҳар ойда 2 миллион сўмдан, терим марказлари раҳбарларига 3 миллион сўмдан меҳнат ҳақи тўланади.

Шунингдек, пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотларига ва кластерларга пахтани териб олиш учун банклар томонидан йиллик 16 фоиз ставкада кредит ажратилади.

Бундан ташқари, қарорга кўра 2019 йил ҳосилини қисқа муддатда йиғиб олиш, теримчилар билан ўз муддатида ҳисоб-китоб қилиш учун Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2020 йилда қайтариш шарти билан фойсиз сўда ажратилади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Фармонга кўра, 2020 йил 1 январгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда камида 2 тадан ва Тошкент шаҳрида камида 5 та экспериментал нотариал идора ташкил этилади.

Ушбу идораларда қўйиладиган жорий этилади: — мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни тасдиқлаш, ижро хатларини ёзиш, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади;

— аризалар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалоқа орқали расмийлаштирилади.

Масофадан туриб хизмат кўрсатилганда расмийлаштирилган ҳужжатларни мижозга курьер хизмати орқали етказиб бериш имконияти яратилади.

2024 йил 1 январга қадар нотариал архивда сақланаётган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни вужудга келтирувчи битимлар рақамли кўринишга ўтказилади.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ НОҚУЛАЙ БЎЛГАН ҲУДУДЛАР РЎЙХАТИ БЕЛГИЛАНДИ



Ҳукумат қарори (743-сон, 06.09.2019 й.) билан Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимларнинг меҳнат ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Йиллик устама ва йиллик қўшимча таътиллари табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхатига киритилган жойларда ишларни бажарувчи барча ходимларга қўлланилади ва берилади.

Бунда устама миқдори ушбу жой учун белгиланган тегишли коэффициентни иш ҳақи суммасига қўпайтириш орқали белгиланади.

Устамалар ҳодим ушбу жойда яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар иш жойи бўйича тўланади.

Рўйхатда кўрсатилган ҳудудларга бир ойдан ортиқ муддатга хизмат сафарига юборилган ходимлар ҳам мазкур ҳудудда бўлган вақти учун ушбу жой учун назарда тутилган миқдорда устама тўланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy Axborot» канали.

2018 ЙИЛДА 37, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 8 ОЙИ ДАВОМИДА ЭСА

29 дона қуrol-яроғ мамлакатимиз ҳудудига олиб кириляётганда тўхтатиб қолинди

МАТЕБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентия Аминистратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида амалга ошириляётган ишлар, соҳадаги янгиликлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда бугунги кунда умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни амалиётга жорий этиш ҳамда янги илгориновация услубларни қўллаган ҳолда божхона хизматини соддалаштирилган шаффоф тизимга айлантиришга алоҳида эътибор берилляётгани таъкидланди.

— Божхона тизимида олиб бориляётган испохотларни муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг имзолаиши тарихий ҳужжат бўлиб, божхона органлари тизимида йиллар давомида ўз ечимини кутаётган муаммоларга барҳам берилди, — дейди Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Ғофуржон Шукуров. — Хусусан, 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг «Дот-ота», Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Янлама», «С.Наҳимов», «Ғишлқўриқ», «Ойбек», Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Дўстлик», «Маданият», Бухоро вилояти

божхона бошқармасининг «Олот» ҳамда Фарғона вилояти божхона бошқармасининг «Ўзбекистон» божхона постларига туташ жойларда давлат-хусусий шериклик асосида замонавий божхона терминаллар бунёд этилади. Келгусида мазкур божхона терминалларининг барчасида кунига 3,4 мингдан ортиқ автотранспорт воситасини ўтказиш имконияти яратилади.

Бугунги кунда товар ва транспорт воситалари учун ҳам божхона назоратида махсус йўллар жорий этилган. Жумладан, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб «сарик» ва «қизил» йўллар ишга туширилган бўлса, 2019 йил 1 мартдан бошлаб, «яшил» ва «кўк» йўллар амалиётга жорий этилди. Ушбу тизим товарлар божхона чегараси орқали олиб ўтиляётганда божхона операцияларининг ўтказилишини тезлаштириш билан бир қаторда қонунбузилишини аниқлаш, прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, юридик шахслар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда «Хавфни божқариш» ахборот тизими орқали товарлар партиясининг 84 фоизи «яшил» йўлак орқали божхона кўриги ўтказилмасдан расмийлаштируви амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Тадбирда давлат божхона хизмати органлари ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилган «Ягона дарча» божхона ахборот тизими ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу тизимни 2021 йил 1 январдан амалиётга жорий этиш белгиланган эди. Лекин бу борадаги ишларни жорий йилнинг ўзига бошлаш режалаштирилди. Ушбу хизмат экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда ортиқча қиёзбозлик ва бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланишига хизмат қилади.

— Мазкур тизимда ташқи иқтисодий фаолиятга тааллуғли ҳужжатлар, стандартлаштирилган маълумотлар ягона ўтказиш каналидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади, — дейди Хавфларни мониторинг қилиш ва муҳофаза бошқармаси бошлиғи Илҳом Мухтомов. — Бунинг натижасида ташқи савдо битимларига доир барча ахборотлар алмашилувида махфийлик ва хавфсизлик таъминланади. Тадбиркорлик субъектлари руҳат этувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг босқичларини масофадан кузатиш мумкин бўлади.

Маълумотларга кўра, соҳада амалга ошириляётган кенг қўламли испохотлар божхона соҳасининг барча йўналишлари динамикасида иқобий таъсир кўрсатди. Хусусан, 2018 йилда 11,5 триллион сўм, 2019 йилнинг 8 ойида 9,9 триллион сўм божхона тўловлари давлат бюджетига ундирилди. Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни риволантириш ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилда 47,5 триллион сўм, жорий йилнинг 8 ойида 39,5 триллион сўм божхона тўловларидан имтиёзлар берилди.

Афсуски, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига бериляётган имконият яратилган шароитдан қўнғи

хилоф равишда фойдаланяётганлар ҳамон учрамоқда. Хусусан, 2018 йилда божхона органлари томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлил натижасида 207 хўжалик юритувчи субъект томонидан 185,1 миллиард сўмдан ортиқ божхона тўловлари билан боғлиқ имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Бу борада олиб борилган тарбият ва ташвиқот ишларига қарамай жорий йилнинг 8 ойида 60 та хўжалик юритувчи субъект томонидан 30,5 миллиард сўмлик қўнғи хилоф равишда фойдаланиш ҳолати фош этилиб, қўнғий қоралар қўрилди.

Бундан ташқари, контрабанда ва божхона қўнғилари бузилишига қарши курашиш борасида ўтказилган таҳлилларга кўра, 2018 йилда 12 533 та хўлқубузарлик ҳолати аниқланиб, далилий ашё сифатида 144 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар, 46,6 кг. пёҳвандлик воситаси, 37 дона қуrol-яроғ, 1957 дона психотроп таблетка, 8,6 минг дона тақийланган диний маъмурият материаллари, 98,5 минг дона пиротехника маҳсулотлари ушлаб қўлинди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида 11205 та хўлқубузарлик ҳолати аниқланиб, улар бўйича 128,4 миллиард сўмлик товар ушлаб қўлинган. Шу жумладан, 31,2 кг пёҳвандлик воситаси, 26956 дона психотроп таблетка, 29 дона қуrol-яроғ, 46,4 кг. порох, 192,5 минг дона пиротехника маҳсулотлари тўхтатиб қўлинган.

Матбуот анжуманида соҳа ходимлари божхона қўнғиллиги, божхона расмийлаштирувдаги ўзгаришлар, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга яратилган имкониятлар бўйича ҳам афсусларни маълумот берди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тадбирда журналистлар «Риштон-Сўх» йўлининг очилиши нега эълон қилинган ҳолда кечиктириляётгани, бу борада Давлат божхона кўмитасининг алоқадорлиги ҳақида қизиқишди.

Ушбу саволга кўмитанинг божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Рустам Қўбуров жавоб берди.

— Шубҳасиз, «Риштон-Сўх» йўлининг очилишини жуда кўпчилик кутаяпти, — деди у, — чўнки унинг ишга туширилиши аҳолига катта қўлайлик яратлади. Бу масала ечимини айтиш пайтда биз томонга боғлиқ эмас. Сабаби, биз ўзимизга тааллуғли барча ишларни бажарганимиз, йўл очилишига тайёриймиз ва бунинг ҳам кутялми. Аммо қирғизистонлик ҳамкасбларимиз томонидан бу масалага оидинлик юритилмаяпти. Бунга қандай сабаблар борлиги ҳозирча бизга маълум эмас. Ҳолбуки, йўл очилгани жамоатчиликка тантанали равишда эълон қилинган, ҳоким ва губернаторлар учрашган, бир-бирларини қўтлаган эди. Қўшимча тариқасида шўни аниқ айтиш мумкинки, бу борадаги ишлар, музокаралар ҳамон давом этмоқда.

— 2018 йилда 37 дона қуrol-яроғ, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида эса 29 дона қуrol-яроғ тўхтатиб қўлинганлиги маълум қилинди. Бу қандай қуrol-яроғлар эди?

Ушбу саволга Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Ғофуржон Шукуров шундай жавоб берди:

— Сиз таҳмин қилаётгандек, улар ҳарбий қуrol-яроғлар эмас. Тўхтатиб қўлинган қуrol-яроғларнинг барчаси ов милтиқларидир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хужжатларга қараб қарор чиқариладиган бўлса, фирибгарлар «иши» юришиб кетаверади-ку.

ФИРИБГАРЛИК ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уларга қатъийлик билан ҳуқуқий баҳо берилмаса, содда одамлар алданиб қолаверади

Кейинги пайтларда фирибгарлик йўли билан бировларнинг мулкни қўлга киритиш ҳолатлари кўпайиб, одамларни алдаш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Фирибгарлар тузоғига илиниб, ҳув тушган, хусусан, уй-жойидан ажралиб қолганлар томонидан тахририятимизга ҳам мурожаатлар бўлмоқда. Бу, фирибгар деганлари баъзан ўзларининг яқин танишлари, ҳатто қариндошлари ишончидан фойдаланиб, уларни ҳам куйдирмоқда...

Алданганлар фирибгарларнинг ширин сўзларига, қўяқ ваъдаларига ишониб, узоқ куттилади, охири судга ёки прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Бироқ, алданиб қолганликларини исботлаш осон кечмайди. Чунки фирибгарлар олдиндан пушга ўйлаб, режа тузиб, иш судга берган тақдирда, қандай қилиб жазодан қўтилиб кетишни ҳам пишиштиб қўйган бўлишади. «Бегона эмасмизку, бир-биримизга ишонамизку» каби гаплар билан тилхат олишади, турли хужжатларга имзо чекиришади, керак бўлганда қалбаки ҳужжатлар ҳам тайёрлашади. Суд ҳужжатларга қараса, фирибгар ҳаққа ўхшайди. Бироқ жабрланувчи «алданиб қолдим», деб дод солади.

Хужжатларга қараб қарор чиқариладиган бўлса, фирибгарлар «иши» юришиб кетаверади. Улар ўз «фаолият»ларини ус-тамонлик билан тайёрлаб қўйилган «хужжатлар» асосида давом эттиришади.

Фирибгарлар орасида шундай тоифалар борки, жиноятлари фош бўлиб, судланган, жазо олган бўлса-да, тавбасига таянмайди, тақрибаси ошгандан-ошиб, эски ҳунарини ишга солаверади. Яқинда тахририятимизга келган бир жабрланувчи шикоят хатига келтирилишича, уни алдаб, мол-мулкни эгаллаб олган фирибгар муқаддам 4-5 марта судланган экан. Наҳотки у шунча марта судланиб ҳам ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олмаган бўлса? Тўғри-си, ишонинг келмайди. Лекин бу ҳақиқат. Кишини тавбишга соладиган томони шундаки, айрим ҳолларда фирибгарлар жазосиз қолимоқда. Наҳотки улар тергов ва суд органларини ҳам алдашнинг уддасидан қийнатган бўлишса? Ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Терговчи ва суриштирувчилар кўнгил бўшлик қилишангилми, қимингидир таъсирига тушиб қолганми?

Газетамизнинг 2018 йил 31 март сонидида «Тилхат берамиз шу ҳақдаким... Аммо тилхат инобатга олинамиз» сарлавҳали танқидий мақолада ўз қариндошларининг ишончидан фойдаланиб, уларни алдаш йўли билан мол-мулкни ўзлаштириб олган кишилар кирдиқорлари аниқ мисоллар асосида кўрсатилган.

Жабрланувчи Учқун Раҳимов Тошкент шаҳар ҳокимияти қарори билан — Юнусобод тумани, Аҳмад Доних кўчасида ажратилган жойда банкдан олинган кредит ва шахсий маблағи ҳисобидан «Соғломлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо марказини» қураётганида пулдан қийналиб қолади. Шу сабабли у 2008 йилнинг бошида Юнусобод тумани, Соҳибқор кўчасида жойлашган ўз уйини сотувга қўяди. Амакисининг қудаси бўлмиш эр-хотин Маҳмуд Боймуратов ва Гулнора Тошниязова 2007 йилнинг май ойида Учқун Раҳимовдан 250 миллион сўм қарз кўтарган ва бу қарзни ойма-ой тўлаб келишаватган бўлган. Улар уй сотилишидан хабар топишган, унга ҳаридор бўлишади.

Асосий суммани бир йил ичида тўлаб беришни ваъда қилиб, 2008 йилнинг 3 март куни ўз қўллари билан гувоҳлар иш-тирокида тилхат ёзиб беришади. Раҳимов уларга ишонди. Тилхатда уй-жойнинг нархи 850 000 000 сўм (450 000 АҚШ доллари) га баҳоланганлиги кўрсатилди. Эртасига, яъни 4 март куни Юнусобод туманидаги 6-сонли нотариусда олди-сотди шартномасини имзоланадиган бўлади. Эр-хотин қудалар Учқун Раҳимовга: «Энди, бегона эмасмиз, қуд-анданичилигимиз бу, бизни уялтиришадан, нотариусга пулни олдим», деб қўяқолинг», дейишади. Чунки ўша даврга келиб, улар Учқун Раҳимовдан олган 250 миллион сўм қарзининг қарийиб 70 фоизини тўлиқ топишган эди.

Боймуратов ва Тошниязова Учқун Раҳимовга маҳмуа қурилиши учун банкдан олинган кредитни ўз қарзлари эвазига ёпиб беришни таклиф қилишади. Кредитни тўлай олмади, қарзни ўндоқроқли қийналиб турган тадбиркор бунга рози бўлади.

Нотариуснинг «пуллариниқини олдин пизми?», — деган саволига Раҳимов қудалар гапига ишониб, тилхатни қураб бериб, «ҳа, олдим», деб жавоб беради. Орадан беш ой ўтган, Учқун Раҳимов қудалардан уйнинг пулини сурайди. Лекин улар «Раҳимов Учқундан олинган ҳовли учун 450 000 (тўрт юз эллик минг) АҚШ доллари миқдорига қарзимизни 2008 йилнинг охиригача тўлиқ узишга ваъда берамиз. Ҳозирги кунда имкониятимиз йўқ», деб иккунчи тилхатни ёзиб беришади.

Шундан сўнг эр-хотин ўзлари таъсисчи ва раҳбар бўлган «Авто Кредит БММ Сервис» ҳамда «Шохрух Авто Сервис» МЧЖлар ҳисобидан Учқун Раҳимов таъсисчи ва раҳбар бўлган «АРНО Эсклюзив» МЧЖ ҳисобига 256 миллион 217 минг 917 сўм пул ўтказишади. Аммо кейинчалик «пулни қарзларни ёпиш учун, деб эмас, балки молиявий ёрдам си-

фатида расмийлаштирганмиз», деб ёлгон кўрсатма беришади.

Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтса ҳам қудаларидан уйнинг қолган пулини ололмаган Учқун Раҳимов улар билан олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва уйни қайтариб олиш учун Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилади.

Ўз навбатида, қудалар Учқун Раҳимовга берилган молиявий ёрдамни қайтаришни талаб қилиб, судга қарши даъво ариза беради. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро суди 2009 йил 29 июлда икки томонлама берилган даъво аризани қўриб чиқади. Суддан олдин Гулнора Тошниязова Учқун Раҳимовга: «Эрим қамалиб кетмасин, уйингизнинг қолган пулини мол-мулкимизни сотиб қарзимизни тўлиқ узимиз», деб ялинади. Учқун Раҳимов бу сафар ҳам Гулнора Тошниязованинг ёлгонлигига ишонади. Шундан кейин судда томонлар ўзаро келишув битимини тузишади. Учқун Раҳимов ўз қорхонасига молиявий ёрдам тариқасида ўтказилган пул эвазига уй-жой учун даъво қилмаслик, ўз навбатида, Боймуратов ва Тошниязова эса ўтказилган пуллари талаб қилмаслик мажбуриятини олади. Ушбу шартлар асосида низоли бўлган Юнусобод туман, Соҳибқор кўчасидаги 29-уй-жой Г.Тошниязованинг эгаллигига қолдирилади.

2014 йилнинг ёзида эр-хотин Маҳмуд Боймуратов ва Гулнора Тошниязова бошқа йўл тутишади. Улар Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро судига 2009 йил 21 июлда Учқун Раҳимов билан тузилган келишув битимини юзага келган янги ҳолат бўйича қайта қўриб чиқишни, тадбиркорнинг ҳисоб рақамига молиявий ёрдам тариқасида ўтказилган пул маблағларини ундириб беришни сураб даъво ариза киритишади.

Савол: бу янги ҳолат нимадан иборат эди?

Жавоб: гўёки 2009 йилнинг май ойида эр-хотин Боймуратов ва Тошниязова Учқун Раҳимов билан янгидаан 01 сонли шартнома тузган. Унда 2007-2009 йилларда Учқун Раҳимовнинг қорхонасига молиявий ёрдам сифатида 397 800 000 сўм тўланган, шу асосда 2008 йил 3 мартда ҳамда 26 августда Раҳимовга берилган тилхатлар бекор қилинганлиги кўрсатилган. Судга ана шу сохта шартнома янги очилган ҳолат сифатида тақдим этилган. Лекин бу шартноманинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини текшириб қўриш очик қолган.

Учқун Раҳимов ҳам ўз навбатида ўзига тегишли уй-жойнинг пулини эр-хотин Боймуратовлардан ундириб олиш мақсадида олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақида судга даъво ариза киритади. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро судининг судьяси А.Бўриев ана шу сохта шартнома билан 2015 йилнинг 29 июнь куни эр-хотин Боймуратов ва Тошниязова-лар томонидан У.Раҳимовга берилган тилхат билан боғлиқ, иш учун муҳим ҳужжат ҳисобланган қисмини иш материаллидан чиқариб ташлайди. Бунинг устига, У.Раҳимовнинг ўзига тегишли уй-жойнинг пулини эр-хотин Боймуратовлардан ундириб олиш мақсадида олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда даъвогар У.Раҳимовдан давлат фойдасига 85 000 000 (саксон беш миллион) сўм миқдорига давлат божи ундирилиши кўрсатилди. Хуллас, шу тариқа иш қудалар фойдасига ҳал этилди. Оқибатда нафақат У.Раҳимов, балки бу ишлардан беҳабар турмуш ўтмаган Г.Халилова ва унинг 2 нафар вояга етмаган фарзандлари ҳам уй-жойсиз қолиб, ижарама-ижара яшаб юришибди.

М.Боймуратов 2009 йил 8 майда Учқун Раҳимов билан гўёки 01 шартномани тузган. Унда ўзининг МЧЖлари ҳисоб рақамига «АРНО Эсклюзив» МЧЖ ҳисобига 397 миллион 800 минг сўм ўтказилганлиги кўрсатилган. Лекин М.Боймуратовга нисбатан 2009 йил июль-август ойларида Миробод туман прокуратурасида очилган жиноий иш юзасидан ўтказилган тергов давомида тузилган сўроқ ва юзлаштириш баённомаларида унинг МЧЖлари ҳисоб рақамларидан 400 миллион сўмга яқин маблағни Учқун Раҳимов банк ҳодимлари билан тил бириктириб ўғирлаб олганини яқинда билиб қолгани ҳақидаги кўрсатмаси қайд этилган.

М.Боймуратов 2014 йилнинг ёзида Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро судига 2009 йил 21 июлда Учқун Раҳимов билан тузилган келишув битимини бекор қилиш ҳақида даъво ариза киритганида 2009 йилдан 2013 йилгача қамқода ўтирганини, шу сабабли турмуш ўртоғи Гулнора Тошниязова Учқун Раҳи-



мов билан 2009 йил 8 майда тузилган 01 рақамли шартномадан хабарсиз бўлганини вақт қилиб келтиради. Ҳолбуки, 2010 йил 16 мартда эр-хотин Маҳмуд Боймуратов ва Гулнора Тошниязовалар 397 миллион 800 минг сўмни У.Раҳимовдан сотиб олган уй-жойга бўлган қарзи учун тўлаб берганлиги Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судида тўла муҳомама этилган. Мазкур ҳолат суд ҳукмида ҳамда Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг Г.Тошниязованига нисбатан 2009 йил 12 ноябрда чиқарган ажримиди ҳам ўз тасдиғини топган ва улар содир этган жиноятларини тўла тан олган.

Юқорида таъкидлангандай, 2014 йилнинг 16 июлида бўлиб ўтган суд мажлисида эр-хотин ўз қўли билан ёзган тилхатда эр-хотини, қарз олди-сотди шартномаси тузилган икки-уч кун олдин уй учун Учқун Раҳимовга 450 минг АҚШ доллари тўлиқ тўланганини айтиб, қўрсатма беради. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро суди судьяси А.Бўриев ана шу сохта 01 шартнома ва ёлгон кўрсатмалар асосида 2009 йилнинг 21 июлда тузилган томонларнинг ўзаро келишув битимини бекор қилади.

Шундан кейин 2017 йил 29 декабрда Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси Р.Сағатов томонидан бу ҳолат ўрганилиб, М.Боймуратовга қарашли МЧЖлари ҳисоб рақамидан «АРНО Эсклюзив» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилган 397 миллион 800 минг сўм маблағни қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Маҳмуд Боймуратов олдида «судга чўкмас, ўтда ёнмас» қашшей ҳам ип эшолмаси керак, деб ўйлаиб қоласан киши. У даставвал қариндош-уруғларини ағдаб, тақрибда орттириб, 2004 йилда ипотека кредити олиш баҳонаси билан божаси Санақул Қўрбоневнинг «Нексис» русумли автомашинасини 7200 АҚШ доллариға соттириб, ўзлаштирган. 2006 йилда ана кредитга уй-жой олиш баҳонаси билан Санақул Қўрбоневдан 8000 АҚШ доллари олиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Маҳмуд Боймуратов божаси Санақул Қўрбонев ва қайинсинглиси Хўлопа Тошниязовага кредитга ўлиб беришни ваъда қилади. Келишув бўйича уй-жойни Санжар номига расмийлаштирилади. Божаси ва қайинсинглиси кредит қарзини тўлаб бўлганидан кейин уй-жойнинг пулига ўтказиб бериладиган бўлади. Бу ҳақда Санжар тилхат ҳам ёзиб беради. Аммо уйнинг пули аллақонан тўлаб бўлганигача қарамай, ҳали-ҳанузгача негариб божа ва қайинсингли унга эгалик қилмаётган. Сабаби, М.Боймуратов ва унинг ўли С.Боймуратовнинг Тошкент вилояти ИИББ хузуридаги тергов бошқармасига берган қўрсатмасига қўра, уйга пулни Санжар тўлаган эмас...

Унда Санжар нега тилхат беряпти? Бу иш дастлаб Қўрай туман ИИБда, сўнгра ёлғиз ИИБда қўриб қилиб, сўнг ёлғизлиги сабабини жабрланувчилар тушуна олишмапти. «Иш адолатли тергов қилинаётган эди, алданганимиз тасдиқланаётган эди. Биз бўлди, билмаймиз. Ички ишлар бошқармасидагиларнинг бизга муносабати ўзгариб қолди. Ишни ёлғизлиб», дейди Санақул Қўрбонев. Эҳтимол, бу ҳолат қай даражада қонуний ҳал этилган билан Республика прокуратураси қизиқиб қўра...

Тергов материалларини синчковлик билан қўздан кечирсангиз, Маҳмуд Боймуратовнинг яна бир найрангидан ёқа ушлайсиз. Учқун Раҳимовнинг амакиси Тошқул Раҳимов ўзига тегишли «Матиз» автомашинасини ижарига бермоқчи ёки сотмоқчилигиндан хабар топан Маҳмуд Боймуратов таклиф билан келади. «Шу машинани танишимиз Зиё Саидовга бериб турсангиз, ишончли одам», дейди. Т.Раҳимов автомашинасини нотариус орқали ишончомона билан, (сотиб ва бировга ўтказиш ҳуқуқсиз) вақтинча фойдаланишга беради. Лекин қудасининг ғаразли мақсади борлиғи ҳаёлига ҳам келмайди.

Орадан бироз вақт ўтиб, Маҳмуд

Боймуратов ўзига қарашли МЧЖ номидан қалбаки ҳужжат атайёрлаб, Т.Раҳимовга тегишли «Матиз»ни ўз таниши Зиё Саидовга 45 ой муддатга (кейинчалик сотиб олиш шарт билан) ижарига беради. Шу орада М.Боймуратов фирибгарлик билан қамалиб қолади. Т.Раҳимов эса «Матиз»ни ахтариб, З.Саидовни топади, машинасини қайтариб олиш учун судга мурожаат қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улутбек туманлараро суди (судья А.Файзиев) 2010 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан автомашинани қонуний эгаси Т.Раҳимовга қайтарди. Зиё Саидов бу қарордан норози бўлади ва Т.Раҳимовни фирибгарликда айблаб, 2010 йил 19 ноябрда Миробод туман ИИББ тергов бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Вовқа бўлган жой ва яшаб манзили Юнусобод туманида бўлишига қарамадан, нима учун Зиё Саидов Миробод туман ИИБга мурожаат қилган, деган ҳақли савол туғилади.

Миробод туман ИИБ тергов бўлими катта терговчиси Нодира Уринбаева 2010 йилнинг 10 декабрида З.Саидовнинг аризаси ва у томонидан тақдим этилган сохта шартнома ҳужжатига асосланиб, Т.Раҳимов устидан жиноий иш қўзғатади. 2012 йилнинг 2 май куни Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди (судья М.Соби-рова) З.Саидов фойдасига ҳукм чиқаради. Ички ишлар идораларида қарийб 40 йил хизмат қилган Т.Раҳимов ҳам автомашинасидан айрилади, ҳам 4-5 марта фирибгарлик учун судланган М.Боймуратовнинг қўрбонига айланади.

Бундан ташқари, М.Боймуратов ўтган йиллар мобайнида бошқа шахсларга тўхмат қилиш, шарманда қиладиган ўғирчиликлар тарқатиш, ўзгаларнинг мулкни ўзлаштириш, талон-торож қилиш, фирибгарлик, сохта тадбиркорлик ва шу каби қилмишлари учун 4 мартаба Ўзбекистонда, шунингдек, Россия Федерациясида ҳам судланиб, охириги марта ун бир йил-у икки ой муддатга озодликдан маҳрум этилган. Унинг турмуш ўртоғи Гулнора Тошниязова устидан ҳам жиноят ишлари очилиб, кейин ёпилган. Ўғли Фаррух Боймуратов ҳам фирибгарлик жинояти учун судланган...

2013 йил 1 мартда Жиноят ишлари бўйича Қўзғилтепа туман судининг ажримига асосан Маҳмуд Боймуратовга Жиноят кодексининг 74-моддаси билан жазосининг ўталмай қолган 7 йил 4 ой 10 куни ахлоқ тузатиш ишларига алаштирилиб, жазони ўташ учун Тошкент шаҳар, Юнусобод туман ИИБга юборилган ва 2013 йил 30 март куни рўйхатга қўйилган. 2016 йил 4 апрелда Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ажримига асосан ЖК-нинг 73-моддаси қўлланилиб, шартли равишда муддатидан олдин жазони ўташдан озод қилинган.

«Ахлоқ тузатиш» жазо муддатини ўташ даврида ҳам Маҳмуд Боймуратов ўзини қинир ишлардан тийлмаган. Учқун Раҳимов устидан тўхматдан иборат ариза ёзиб, қўл миқдордаги мол-мулкни ноқонуний эгаллаб олганлигида айблаб, унга нисбатан Миробод туман ИИБ томонидан 2014 йилда жиноят иши қўзғатиришга эришган. Жиноят иши судга ўтказилган. 2018 йилда унинг бу аризаси ўз тасдиғини топмай, У.Раҳимовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ деб, ЖК-нинг 83-модда 2-бандига асосан иш юритувдан тугатилган.

Маҳмуд Боймуратов Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Юнусобод филиали собиқ бошқарувчиси О.Жавда-нов ва банк кредит бўлими ҳодимлари устидан ҳам жиноят иши қўзғатирилишга ҳамда судга чиқарилишига эришган. Лекин уларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги аниқланиб, бу иш ҳам чиппака чиққан, жиноят иши ЖК-нинг 83-модда 2-бандига асосан

туғатилган.

Бу хатти-ҳаракатларни М.Боймуратов жазони ўтаётган даврида содир этган. У бировларга тўхмат қилди, ёлгон хабар берди. 4-5 йиллаб суд-ҳуқуқ органларини чапгитди, давлатга қанчалик жиддий зарар етказди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари нима учун бу каби ҳолатлардан кўз юмиб келди? М.Боймуратов қандай қилиб сўвдан қуруқ чиқиб кетаяпти? Уни қилар қўллаб қелапти? Ниманинг ҳисобига қўллаяпти?

М.Боймуратов 2014 йилда Қўрай туманида яшовчи Фуқаро Мурод Аъзамовга тегишли дала ҳовлини қўлга кири-тиш режасини тузиб, илгари Учқун Раҳимовга тегишли бўлган ўша уйни бошқага сотиб юборган бўлсада, ўзиники деб қўрсатиб, дала ҳовли билан алмаштиришни таклиф этиб ва ўртадаги фарқи тўлаш, ҳужжатларни тайёрлаб баҳонасида ундан 210 миллион сўм миқдорда пул ундирилади. Мурод Аъзамовнинг ишонувчанлигидан фойдаланган Маҳмуд Боймуратов фирибгарлиқни давом эттириб, Туркиядан мол олиб келиб, бизнес қилмиш, деган тилхат асосида ундан яна 200 миллион сўмни қурдай қилиб санаб олади. Мурод Аъзамов ҳали ҳанузгача қўшқўллаб берган пуллариин қайтариб ололмади, турли суд-ҳуқуқ идораларига бош уриб, қарсон-қаргардан бўлиб қўриб-ди...

Маҳмуд Боймуратовнинг ўғли Санжар буюк комбинатор Остоп Бендернинг тушига ҳам кирмаган найрангни ўйлаб топади. Суд қарори билан собиқ турмуш ўртоғи Хуришда Раҳимова фойдасига Санжардан 27 миллион сўм миқдорда пул ундирилиши белгиланган, у Навоий вилояти, Хатирчи тумани ИИО ФМБ паспорт бўлинмаси орқали ИИБ Ахборот-таҳлил марказининг ягона маълумотлар базасига собиқ турмуш ўртоғининг 2017 йил март ойида вафот этгани ҳақида сохта маълумот киритишга эришади.

Кейин бу маълумотни Мажбурий ижро бюроси Юнусобод туман бўлимига келтириб беради. Бу ҳақда Хуришда Раҳимова Хатирчи туман прокуратурига ёлган аризаси номига текширилиб, жиноят ёлғизлигига қўра. Сопла-соғ юрган одамни, собиқ хотинини ўлдига чиқариб, ҳужжат тайёрлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўта фирибгар, диёнатдан ўзқолашиб кетган одамни бундай тубанликка эмс ўришга боради. Бу хали ҳаммаси эмас. «Букрини гўр тузатади», деган гап бор. Тўғри, агар уни қонун тўхтатмаса, умрининг охиригача тузалмаслиғи мумкин.

Маълумотларга қўра, эр-хотин Боймуратовлар томонидан содир этилган фирибгарлик жиноятлари туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар, Юнусобод туман бўлимида бир неча ўнлаб ижро ишлари очилган. Бироқ ижро ҳаракатлари охирига етказилмаган. Суд ҳукмлари бўйича зарарлар ундириб берилмаган.

Тахрибатдан маълумки, фирибгарлар иши илпидан-илпасигача синчковлик билан текширилиши керак бўлади, акс ҳолда фирибгарлар жазодан қўтилиб қолаверади, бундан эса ҳалол одамлар азият чекади, зарар қўради.

Шикоятчилар айтишича, М.Боймуратов ҳозир яна бир яқин қариндоши номидан қурилиш қорхонаси ташкил этиб, Тошкент шаҳри Сергели туманининг «Строительный» мавзесида қўл қаватли турар-жой бинолари қуриш билан шуғулланаётган эмас. Норасмий раҳбар сифатида фуқаролардан уй-жой учун пул тўловларини шахсан ўзи қабул қилаётганмиш... Эҳтимол ростдан шундайдир, эҳтимол миш-мишдир. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 17 октябрь куни
бошланғич нархи босқичма-босқич
ўсиб бориш
тартибидagi очик аукцион
савдоларини ўтказлади

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, И.Ҳакимов кўчаси, 3-уйда жойлашган Тошкент вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 10/990SAA, бошланғич нархи 16 574 400 сўм бўлган «УАЗ-31519»; 1998 й. и/ч, д/р 10/969AAA, бошланғич нархи 16 574 400 сўм бўлган «УАЗ-31519»; 1996 й. и/ч, д/р 10/989SAA, бошланғич нархи 19 894 900 сўм бўлган «ГАЗ-270500» русумли; Тошкент ш., Мирзо Улутбек тумани, Интизор кўчаси, 17-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамаиати Тошкент вилояти Кенгаши балансидаги 1996 й. и/ч, давлат рақами бўлмаган, бошланғич нархи 19 255 500 сўм бўлган «СУПЕР СЛОН» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Талабдорлардан биуртоманомаларни қабул қилиш, расмий иш қиларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Иноте-кабан» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА-00425, СТШР-302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етимишмаётган суммани шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари қоқлатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунча қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 233-23-40; телефонфакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 22, 29 август ва

Бу тадбир бутун дунёдаги қўли гул ҳунармандларни бир жойга жамлаб, халқларнинг номоддий меросини тарғиб этиш ва халқаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК

Тадбирда сўзга чиққан Жаҳон ҳунармандлар кенгаши (ЖХК) президенти Роза Гринлис хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, айниқса, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, биринчи бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивали ана шу сўз-ҳаракатларнинг юксак намунаси эканини қайд этди.


ЖХК томонидан Қўқон шаҳрига "Жаҳон ҳунармандлари шаҳри" мақоми берилиши бежиз эмас. Бу ўнвон 2014 йилда таъсис этилган бўлиб, шу кунгача унга 16 давлатнинг 36 шаҳри сазовор бўлган. Қўқон шаҳри МДХ мамлакатлари шаҳарлари орасида биринчи бўлиб шу қатордан жой олди. Шунингдек, "Ҳунарманд" уюшмаси жорий йилда мазкур ташкилотга қабул қилинди. Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги сўз-ҳаракатлар самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганининг белгиси бўлди.

ЖХК 1964 йилда Бельгияда нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тузилган бўлиб, бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун семинарлар, конференциялар, кўргазмалар ўтказиш орқали бутун дунёда ҳунармандчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлаб келади.

ЖХК билан ҳамкорликда Қўқонга «Жаҳон ҳунармандлари шаҳри» мақоми бериш борасидаги сўз-ҳаракатлар доирасида ташкилотнинг ўрганиш хайъати аъзолари шаҳардаги миллий ҳунармандчилик мактабларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан бевоқиф танишди.

Фарғонада ҳунармандчиликнинг барча йўналишлари бўйича 4 мингдан ортиқ устасхона фаолият юритмоқда. Улар орасида ўз мактабига эга сулолалар, халқаро кўргазма ва фестиваллар совриндорлари, давлат мукофотлари соҳиблари бор.

Қўқон ҳунармандчилиги ўзига хос тарихи, услуб ва анъаналарига эга бўлиб, бу ерда унинг 30 га яқин тури кенг ривож-



ланган. 400 нафар ҳунарманд ота-бобо-ларидан мерос касбнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминламоқда.

Шаҳар марказидаги салобатли майдон узра ёқимли куй таралади. Бу оҳанг қалб-ларга сингиб, кўнгилнинг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, завқ солади. Бу куй сеҳри, нозли оҳанг шавқи, musiқа кудратининг амалдаги ифодасидир.

Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг очилиш маросимидаги мумтоз ашулар, фольклор, жаҳон musiқа ва қўшиқчилик санъатининг нодир намуналари, дилбар рақслар дилларни жўш урдиради. Томошабинлар юракка яқин қўшиқларга жўр бўлади, шўх куй-наволардан завқланишиб, рақсга тушади.

– Бугун Ўзбекистон диёрида жуда катта байрам, – дейди АҚШлик мартабали меҳмон Карл Робертсон Лопес хоним. – Қадимий ва навиқорон Қўқон шаҳрида илк бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивали катта шодиёна билан нишонланмоқда. Бу тадбир бутун дунёдаги қўли гул ҳунар-

мандларни бир жойга жамлаб, халқларнинг номоддий меросини тарғиб этиш ва халқаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу халқаро фестивал нафақат кўп миллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон ҳунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами эканини таъкидлади.

Президентиимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда номоддий меросни асраб-авайлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Халқаро ҳунармандчилик фестивалига тайёргарлик жараёнида Қўқонда кенг қўл-ламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий меҳмонхоналар, уй-меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шох-боналари, маданий-маърифий мажмуалар, савдо комплекслари, кўнгилочар масканлар барпо этилди. Тарихий зиёратгоҳлар, қўчалар, бино-иншоотларда капитал таъмир-

лаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Шу тариқа қўқон кент бугун тўлиқ янгича қиёфа касб этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган фестивал дастури ранг-баранглиги, маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларга бойлиги билан ажралиб туради.

Фестиваль доирасидаги "Kokand fashion" мода ҳафталигида хорижий ва маҳаллий ҳамда Қўқон шаҳрининг ёш дизайнерлари ўз иход намуналарини намойиш этди. Эрталабдан хорижий меҳмонлар қўлларига ўз давлатлари, маҳаллий аҳоли эса Ўзбекистон байроғини кўтарганча шаҳар бўйлаб тантанали юрдилар. Туркистон кўчасидан Худойрхон ўрдаси йўналишида ҳаракатланган байрам иштирокчилари минглаб юртдошларимиз томонидан олқишлар билан қарши олинди. Ўрда фестивалнинг асосий

майдонига айланди. Халқ сайллари, дорбозларнинг чиқишлари, фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари барчани байрамга қорлади.

"Осиё-Тинч океани минтақасидаги ҳунарларнинг онлайн-энциклопедияси. Анъанавий қўл меҳнати буюмлари" лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Каддумий хоним раҳбарлигида ишлаб чиқилган мазкур онлайн-энциклопедияда ушбу минтақадаги 50 давлатнинг ҳунармандчилиги тарихи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилган. Унинг таъкидлашича, ушбу лойиҳа маданиятлараро мулоқотни ҳамкорлаштириш, халқларни бир-бирига танитиш, шу тариқа дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллий ва хорижий ҳунармандлар махсулотларининг кўргазма савдоси, халқ сайллари, кўпирокбозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари, ош танловлари, маҳорат дарслари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль иштирокчилари моҳир қўлоплар шаҳри – Риштон ҳамда ипак ва абри матолар ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар шаҳри – қадим Марғилонга сەҳнат қилди.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш икромчиларнинг шўх куй-қўшиқлари билан давом этди. Қўқон осмони узра порлаган мушаклар дилларга қувонч, қалбларга шодумонлик бағишлади.

Анжуман ўтказиладиган майдон атрофи байрамона безатилган. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан, шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби қўшни давлатлар ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган ҳунармандлар буюмлари кўргазмаси ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев очилиш маросимидан сўнг ушбу махсулотларни кўздан кечирди, ҳунармандлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу фестивал нафақат кўп миллатли ватандошларимиз, балки бутунжаҳон ҳунармандларининг ҳам байрамидир. Зеро, фестивал кўламининг кенглиги унинг жаҳон халқларини, маданиятларни боғловчи муҳим кўприк бўлишидан далолатдир.

Қўқон шаҳрида олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзига яққол намоён этган, муштарак дилларни бирлаштирган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик байрами – биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали яқунланди.

Фестивалда дунёнинг 78 давлатидан 370 дан зиёд моҳир ҳунарманд, танқити маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қўқон шаҳрига "Жаҳон ҳунармандлари шаҳри" мақоми берилиши ҳам тарихий воқеа бўлди. 2014 йилда таъсис этилиб, шу кунгача дунёдаги 36 шаҳар сазовор бўлган ушбу ўнвоннинг МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг Қўқон шаҳрига берилгани, албатта, ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз фахр-ифтихор уйғотмоқда.

Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Унда иштирокчи давлатлардан 200 дан ортиқ, юртимиздан эса 1100 дан зиёд ҳунарманд ўзининг 30 дан ортиқ йўналишдаги ишларини тақдим этди. Сақизта номинация бўйича 24 гўлиб аниқланди. Жумладан, "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича биринчи ўринни (мукофот 7000 АҚШ доллари) Муҳаммадали Юнусов (Ўзбекистон) эгаллади, иккинчи ўринга (5000 АҚШ доллари) Суфяни Исмоил Хатари (Ҳиндистон), учинчи ўринга (3000 АҚШ доллари) Алишер Нарзуллаев (Ўзбекистон) муносиб топилди. Шунингдек, "Энг ёш ҳунарманд", "Энг яхши ҳунармандчилик мактаби устаси", "Қадимий сулола давомчиси", "Қадимий ҳунармандчилик турини тиклаган ҳунарманд", "Энг фаол ҳунарманд" номинацияси гўлиблари ҳам тақдирланди.

Санъаткорларнинг байрам дастури барчага бир олам завқу шавқ улашди. Қадимий ва навиқорон Қўқон шаҳрида фестивал яқунланган бўлсада, халқ сайли давом этмоқда.

Ў.А.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаткиричлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаткич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.	Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.
Навий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.	

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Saidkamol XODJAYEV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Mahmud TOIR	Muslihidin MUHIDDINOV	To'lg'in TO'RAXONOV
	Shuhrat JALILOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
 Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
 Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 3647 nusxada bosildi.
 Nashr ko'rsatkichi — 220.
 t — Tijorat materiallari
 O'za yakuni — 00:40.
 Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
 Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Гезитнинг электрон савҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6